

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Кулёзма ҳуқуқида
УДК 809.27-08
А-75

АРИПОВ ЗАКИР ТАХИРОВИЧ

**ИБН ЗАЙЛАНИНГ "КИТАБ 'АЛ-КАФИЙ ФИЙ 'АЛ-МУСИҚА"
РИСОЛАСИДАГИ МУСИҚАШУНОСЛИК АТАМАЛАРИ**

10.02.22 – Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия туб халқлари тиллари

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2005

Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажаришган

Диссертациянинг умумий тавсифи

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори, профессор
Содиқов Қосимжон Позилмович

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
Исломов Зоҳид Маҳмудович

филология фанлари номзоди, доцент
Рустамий Салима Алийбеғ қизи

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ҳимоя 2005 йилнинг 17 НОЯБР куни соат 11 да Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги ДК 067. 70. 02 – рақамли докторлик (номзодлик) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади (70047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кутубхонаси (70047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25) да танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил 14 ОКТАБРда тарқатилди.

Ихтисослашган илмий
кенгаш котиби

филология фанлари
доктори, профессор
Р.У. ХОДЖАЕВА

Мавзунинг долзарблиги. “Шарқ муסיқаси – Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ муסיқасининг жаҳон маданияй меросида тутган ўрни бениҳоя буюк”¹. Шарқ муסיқасининг жаҳон маданияй меросида тутган ўрни бениҳоя буюклигини кўрсатувчи белгилардан бири Шарқ муסיқашунослик атамаларининг бойлигидир. Шарқ муסיқашунослик атамаларини ўрганиш тарихида ўрта асрлар муסיқа илмига оид асарлар асосий манба сифатида қаралиши керак. Бу асарлар турли шаклларда (муस्ताқил рисола сифатида ҳам, қомусий асарнинг бир қисми сифатида ҳам) араб, форс ва туркий тилларда Яқин ва Ўрта Шарқда кўп асрлар давомида, VII асрдан то XX асрга қадар яратилди. Муסיқа илмининг ривожига энг аҳамиятли даврлардан бири, баъзи замонавий тадқиқотчилар Шарқ Уйғониш даври ёки Мусылмон Уйғониш даври² деб таърифлаётган X–XI асрларга тўғри келган. Ўрта Осиёдан чиққан олим ва мутафаккирлар Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллоҳ Хоразмий Шарқ муסיқа атамашунослик фанининг шаклланишига асос солганлар. Улар томонидан араб тилида яратилган муסיқа илмига хос китобларда, жумладан, Ибн Зайланинг “Китаб ал-кафий фий ал-муסיқа” рисоласида муסיқашунослик атамалари тизими яратилди ва умумий муסיқашуносликка оид тушунчалар ишлаб чиқилди. Бу асарга ҳозиргача яшаб, ривожланиб келаётган муסיқа меросининг анъанавий кўринишлари, шакллари асос бўлиб, шуларга асосан муסיқий тафаккур атамаларда ўз аксини тошган. Шуниси ҳам қизиқарлики, унинг андازаси, ундаги муסיқашунослик атамалари, кейинчалик Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тиллари – араб, форс, урду ва туркий тилларда ёзилган рисолаларга ҳам кириб келди ва истеъмолда собит қолди. Маданият ҳудуд билан боғлиқ ҳолда интернационал характерга эга. Буни Шарқ муסיқасига оид атамалар тизимида яққол кузатиш мумкин. Манба араб тилида бўладими, форсча ёки туркий бўладими, ўша тилларнинг баарида қўлланилаверди. Демак, бу қадим арабий манбада ишлатилган атамаларни ўрганиш нафақат ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тилларида (араб, форс, урду, туркий) битилган ўзга асарлардаги муסיқашунослик атамаларини илмий тадқиқ этишда мустақкам замин, балки ҳозирги замон ўзбек муסיқасида қўлланилаётган атамалар моҳиятини тўғри англашда ҳам қимматлидир. Ҳозирги замон миллий ўзбек муסיқасининг устувор асоси, асрлар давомида устоз муסיқачиларнинг бир неча авлоди томонидан яратилган мақомлар ва мақомларга доир атамалар муаммосини тўғри ҳал қилиш учун ҳам Ибн Зайланинг “Китаб ал-кафий фий ал-муסיқа” сини илмий тадқиқ этиш, ундаги муסיқа илмини баён этиш принципларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда муסיқашунослик атамаларининг ясаллиш, танланиш усулларини аниқлаш, уларни тематик таснифлаш, асарни таржима қилиш ва оммалаштириш эҳтиёжи туғилмоқда. Асарда қўлланилган муסיқашуносликка оид атамалар устида лингвистик изланишлар олиб бориш Яқин ва Ўрта Шарқ халқ-

¹ Қаримов И.А. Маданияй юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 366.

² “Мусылмон Уйғониш даври” ибораси фанга А.Мец томонидан киритилган. Мец Адам. Мусылманский Ренессанс. - М.: Наука, 1973. - 473 с.

лари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари тилларидаги муסיқашунослик атамалари қиёфасида ўзига хос ижобий ўзгаришлар ясайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта асрлар Шарқ муסיқашунослик атамаларини ўрганиш борасида А. Фитрат, И. Ражабов, А. Назаров, А. Семёнов, А. Болдирев В. Беляев, Т. Визго қолдирган тажрибаларни бойитган ҳолда А. Рустамов, А. Низомов, О. Матқубов каби таниқли олимлар билан бир қаторда С. Азизов С. Даукеева, И. Далажанова, Д. Кароматова, Н. Шодмонов ва бошқалар³ меҳнат қилмоқдалар. Мазкур олимлар муסיқашунослик атамаларини турли даражада тадқиқ этишга уринганлар. Айниқса, форс тилида битилган муסיқий рисоаларда қўлланилган атамаларни ўрганишда муайян натижаларга эришилган. Аммо, шунинг эътирофи эитиш керакки, Мусулмон Ўйғониш даврида, яъни X-XII асрларда араб тилида яратилган муסיқа илмига оид китобларда қўлланилган муסיқашунослик атамалари махсус тадқиқ этилмаган, атамаларнинг хусусиятлари ўрганилмаган, лингвистик таҳлил йўқ. Мазкур асарларнинг ҳеч бири филологик тадқиқ этилмаган, тўлалигича таржима қилинмаган. Шундай асарлардан бири Абу Мансур ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” сидир.

Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгашининг қарори билан тасдиқланган (2004 йил 1 июл, 10-сонли баённома).

Тадқиқот манбалари. Тадқиқотнинг асосий манбаи Лондондаги Британия музейининг китоблар хазинасидаги Шарқ қўлёзмалари бўлимининг араб ва форс тилларидаги муסיқа илмига оид қўлёзма китоб ва рисоаларни ўзда мужассамлаштирган Tracts on Music. Arabic (Муסיқа рисоалари. Арабча) умумий сарлавҳаси остидаги От. 2361 рақамли жилда сақланган Абу Мансур ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” [كتاب الكافي في الموسيقى] сидир (рухсатнома № 740792). Шунингдек, асарнинг Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонаси 3097-жилдаги қўлёзма матни ва Қоҳира нашри ҳам – тадқиқот манбаларида. Бундан ташқари, Форобийнинг [كتاب الموسيقى الكبير] “Катта муסיқа китоби”, Ибн Синопнинг [جوامع علم الموسيقى] “Муסיқа илми тўплами”, Хоразмийнинг [مفتاح العلوم] “Илмлар қалитлари” асарининг [في الموسيقى] “Муסיқа ҳақида” аталмиш боби нашри ва форс тилидаги таржимаси ҳамда ўзбек, араб, форс, рус ва бошқа ғарб тилларидаги мавзуга алоқадор махсус адабиётлардан тадқиқот манбалари сифатида фойдаландик.

Тадқиқот мақсади. Ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” сида қўлланилган муסיқа атамаларининг Шарқ атамашунослиги ривожидида тутган ўрнини аниқлаш тадқиқотнинг асосий мақсадидир. Шунингдек, асарни лексик-семантик, этнолингвистик, лексикографик, тил манбаишунослиги, матн лингвистикаси ва муסיқашунослик фаилари туташувида ўрганиш тадқиқотнинг мақсадиридир.

³ Бошқалар қаторида ҳозирда АҚШ да хизмат қилаётган О.Малъкеева ва халқаро ташкилотларда ишлаётган А.Жумъев ҳам бор.

Тадқиқот вазифалари. Мақсадга эришмоқ учун ушбу вазифаларни ба- жармоқ лозим деб топилади:

1. Ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” рисоласининг ёзилиши, унда қўлланилган муסיқашунослик атамаларининг шаклланиши ва такомил асослари ва манбалари ҳақида маълумотлар тўплаш;

2. Мазкур рисоланинг мавжуд қўлёзма матнларини ва унинг ягона нашрини атрофлича тавсиф этиш, асарнинг таркибий тузилишини белгилаш, му- сиқага оид атамаларнинг ясаилиш усулларини тадқиқ ва атамаларни лингвистик таҳлил этиш;

3. Ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” рисоласида муסיқа илмини баён этиш принципларини ўрганиш давомида, тизимли ёндашув асо- сида муסיқашуносликка оид атамаларнинг танланиш йўлларини ўрганиш, атамаларни мавзуй (тематик) жиҳатдан таснифлаш;

4. Муסיқага оид айрим атама ва тушунчаларни замонавий муסיқа илми- даги атамаларга қиёсан ўрганиш, шунингдек, китобда келтирилган муסיқа асбоблари, санъат турларининг ҳозирги кундаги ўрни ва аталишини аниқлаш;

5. Ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” рисоласини ўзбек тилига таржима қилиш;

6. Ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” рисоласи учун махсус арабча-русча-ўзбекча муסיқа атамалари лугатини тузиш.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги. X-XII асрларда араб тилида ёзилган муסיқа илмига оид эътиборли уч китобнинг бири – Ибн Зайланинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” [كتاب الكافي في الموسيقى] рисоласи илк бор тўлалигича ўзбек тилига таржима қилинди, асар тилшунослик, хусусан, атамашунослик нуқтаи назаридан ўрганилди, унда қўлланилган атамалар лексикографик планда тадқиқ этилди. Маънолари тўлиқ аниқланмаган муסיқа атамаларининг маънолари, китобда келтирилган муסיқа асбоблари, санъат турларининг ҳозирги кундаги ўрни ва аталишлари аниқланди. Ҳозирги замон ўзбек му- сиқашунослигидаги атамалар тизимини қайта кўриб чиқиш ва тўлдириш учун янги илмий маълумотлар олинди. Ибн Зайла ўрта асрлар Шарқ муסיқашу- нослик атамалари тизимининг ижодкорларидан бири сифатида қайта эътиборга олинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ибн Зайла- нинг “Китоб ал-кафий фий ал-муסיқа” каби мураккаб манбаининг асл нусха- ларга асосланган ҳолда илмий муомалага киритилиши, унда қўлланилган му- сиқашунослик атамалари илк бор махсус тадқиқ этилиши Шарқ халқлари му- сиқа маданияти бўйича тадқиқотларнинг далилий асосини оширади, ўрта асрларда яратилган муסיқа илмига хос ўзга асарларни идрок этишни осон- лаштиради, X-XI асрларда Ўрта Осиёда кенг истеъмолда бўлган муסיқашу- нослик атамалари тизими мавжудлиги исботланади, муסיқа атамаларининг ясаилиш, шаклланиш усуллари ва такомиллашув йўллари аниқланади, бу ми- нтақада муסיқага оид атамаларининг кейинги ривожини ва ҳозирги тараққиёт жараёнини тушунишда қўл келади.

Тадқиқотнинг хулоса ва натижаларидан Шарқ атамашунослик тарихини ёритиш, баъзи тилшунослик масалаларини аниқлашда, олий ва ўрта ўқув юртларининг “Тилшунослик”, “Араб тилшунослиги тарихи”, “Араб тили”,

“Форс тили” каби фанлар таълимида, лексикология ва семантика бўйича талабаларга махсус курслардан маърузалар тайёрлашда муҳим манба бўлади. Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабалари учун ўрта асрлар мусиқа атамашунослигидан махсус курслар ташкил этилиши, шарқ тиллари дарсларида истифода этилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқий шарқшунослик бўлимининг магистратура ва бакалаврият босқичлари талабалари учун мўлжалланган “Араб тили”, “Форс тили” ва “Шарқ мусиқа манбашунослиги” каби дарсларда фойдаланишмоқда.

Ишнинг сийновдан ўтиши. Тадқиқот 2005 йил 12 майда Тошкент давлат шарқшунослик институти туркиёт ва араб филологияси кафедраларининг кўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимоя учун тавсия этилган. Шунингдек, 2005 йил 6 июнда Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи кафедраси илмий семинарида, 2005 йил 9 июнда Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурдаги 10.02.22 – Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия туб халқлари тиллари ихтисослиги бўйича илмий семинарида, 2005 йил 29 июнда Тошкент ислом университети шарқ тиллари кафедрасининг кенгайтирилган илмий семинарида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Мавзу бўйича журнал ва илмий тўпламларда ўн икки мақола эълон қилинган, ўн икки илмий анжуманда қилинган маърузаларда тадқиқот натижалари баён этилган, иш бўйича тўққиз телекўрсатув ва фильм яратилди, телевидениеда намойиш этилган.

Тадқиқотнинг тузиллиши ва ҳажми. Диссертация ишнинг умумий тавсифи, кириш, ўрт боб, хулосадар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Ҳар бир боб ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ички қисмларга, қисмлар фаслларга бўлинган.

Биринчи боб Шарқ тилларида мусиқашунослик атамалари тизимининг шаклланиш ва такомилнинг асослари масалаларига бағишланган.

Иккинчи бобда Ибн Зайланинг “Китоб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа”сининг қўлёзмалари, наشري ва тузилиши ўрганилган.

Учинчи бобда ўрганилган манбалар асосида мусиқашунослик атамалари лингвистик таҳлил этилиб, ясашиш усуллари, сўз туркумлари вазиларида ясашиш тадқиқ этилган.

Тўртинчи бобда Ибн Зайланинг мазкур рисоласида мусиқа илмини баён этиш принципларини кўриб чиқиш жараёнида мусиқашунослик атамаларининг танланиш хусусиятлари таҳлил қилиниб, мавзунинг тасниф этилган.

Диссертациянинг иловаларида “Китоб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа”нинг ўзбекча таржимаси, Британия музейи қўлёзма матнининг нусхаси, арабча-русча-ўзбекча мусиқа атамалари лугати келтирилган.

Диссертациянинг асосий матни – 152 бет, фойдаланилган адабиётлар соҳи – 214 та 20 бет, иловалар–126 бет, умумий ҳажми – 298 бет.

Тадқиқотда матндан олинган асл атамалар асосан арабча шаклида, ўрни билан, транслитерация ҳолатида берилган.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Ишнинг умумий тавсифи аталмиш бўлишда мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг манбалари, мақсад ва вазифалари, назарий ва услубий асослари, илмий янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти, оммалаштирилиши, тузилиши ҳақида гап боради.

КИРИШ. Ўрта асрларда яратилган мусиқашунослик асарларида қўлланилган атамаларнинг ўрганилиш даражаси. Ўрта Осиёдан чиққан олим ва мутафаккирлар Форобий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Ибн Сино ва Ибн Зайла X–XI асрлар мусиқашунослик атамалари тизимининг шаклланиши ва ривожига асосий ва ҳал қилувчи ҳисса қўшган эдилар. Мусиқанинг келиб чиқишини турли афсоналар, диний ривоятлар билан боғламаган ҳолда илмий ёндашув билан парҳазаган бу зотлар мусиқа илмини математиканинг таркибий қисми деб қараганлар⁴. Шарқ мусиқашунослик атамалари тизимини шакллантиришдаги улар яратган соф илмий йўналиш халафлар томонидан қабул қилинди. Хусусан, Сафийуддин Урмавий (1216–1294), Қутбиддин Шерозий (1236–1310), Маҳмуд Амулий (?–1349), Абдурахмон Жомий (1414–1492), Зайнулобидин Хусайний (XV аср), Нажимиддин Кавкабий (XVI аср), Дарвеш Али Чангий (XVII аср) каби алломалар Форобий, Ибн Сино ва Ибн Зайла асос солган илмий йўналишдан борганлар. Уларнинг мусиқашуносликка оид асарларини ва уларда қўлланилган атамаларни ўрганиш XX асрнинг ўттизинчи йилларидан қизғин паллага кирган эди. Шу даврдан бошлаб, то ҳозиргача бу борада қилинган ишлар, хусусан, барон Д’Ерланже, Х.Ж. Фармер, Э. Неубауэр, Маҳмуд ал-Ҳафний, Закария Юсиф, Ғаттос Абдулмалик Ҳашаба, Меҳдий Баркашли, Тақи Биниш, А.А. Семёнов, А.Н. Болдирев, В.М. Бедиев, И. Ражабов, А. Сагадеев, С. Умаров, Б.А. Розенфельд, Т.С. Визго, А.К. Кубесов, О. Матёкубов, А. Жумаев, А. Низомов, А. Назаров, А. Ражабов, С. Даукеева, Н. Шодмонов ва бошқаларнинг илмий ишлари эътиборли бўлса-да, X–XI асрлар Шарқ мусиқа илмига оид араб тилидаги қўлёзма рисоалар деярли ўрганилмаган. Уларнинг таркибий тузилиши, уларда қўлланилган мусиқашунослик атамалари, мусиқашунослик атамалари шаклланишининг асос ва манбалари, танланиш усуллари, лингвистик таҳлили, тематик таснифи ва бошқа масалаларни Ибн Зайланинг “Китоб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа”си мисолида тадқиқ этиш ўрта асрларда яратилган мусиқа илмига оид асарларининг ва уларда қўлланилган мусиқашунослик атамалари тизимининг ўрганилиш даражасини кўтаради.

Абу Мансур ибн Зайла ва унинг илмий мероси. Илмий жамоатчиликка яхши таниш бўлмаган Абу Мансур ибн Зайла (вафоти 1049) ҳамда унинг илмий мероси муфассал баён этилди. Абу Мансур ибн Зайла Ибн Синонинг маслақдошларидан, издошларидан ва яқин шогирдларидан бири бўлган. Ибн Зайланинг ўта кучли заковати туфайли, уни ал-Ҳаким (доншманд, файла-

⁴ Қаранг: Фороби. О происхождении наук. В кн.: Григорьев С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII–XII вв. – М., 1960. (Приложение стр. 150–151 перевод с латинского А. Рубина.), Абу Али ибн Сина. Математические главы «Книги знания» (Донишнома). (О математических главах «Книги знания» Ибн Сины и комментарии Умарова С.М. и Розенфельда Б.А.). – Душанбе: Ирфон, 1967. – С. 5–7;

ابن سينا، اللغاه، الرياضيات، جوامع علم الموسيقى، تحقيق وعقمة زكريا يوسف. تصدير و مراجعة أحمد آزاد 1971هـ والى و محمود أحمد الحظي، المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956م، ص 3.

суф) деб улуғлаганлар, аш-Шайх (устоз) деб ҳурматлаганлар. Ибн Сино хурмат юзасидан ўзининг “Таълиқ ал-мангик” ва “Ҳайй ибн Яқзон” асарларини Ибн Зайлага бағишлаб ёзган. Абу Мансур ибн Зайланинг илмий асарларидан қуйидагиларни санаб ўтиш жоиз: *اختصار طبيعيات ا لشفاء لابن سينا* (“Ибн Сино “Шифо”сидаги табиий (физик) фанлар қисқартмаси”), *شرح رسالة حي ابن يقظان* (“Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” рисоласининг шарҳи”), *كتاب في النفس* (“Нафс ҳақида китоб”), *كتاب الكافي في العوسيقى* (“Муסיқага оид тўлиқ китоб”) ва бошқалар.

Ибн Зайла муסיқа илмидаги хизматлари бўйича Форобий ва Ибн Синога тенглаштирилади⁵. Шарқ муסיқашунослиги, муסיқа маданияти тарихида, муסיқашунослик атамалари шаклланиши, ривожиди ва баён санъатида жуда катта аҳамиятга эга бўлган Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муסיқа”си даражасидаги асар икки ярим асрли танаффусдан сўнг Сафийуддин Урмавий Бағдодий (1215-1294) томонидан ёзилган машҳур [كتاب الآوار] – “Муסיқий даврлар китоби” дир.

I боб. Шарқ тилларида муסיқашуносликка оид атамалар тизимининг шаклланиши ва тақомили. У икки қисмдан иборат. Қисмлар фаслларга бўлинган:

1.1. Қадимий манбалар ва уларда қайд этилган муסיқашунослик атамалари.

1.1.1. Қадимий халқ байрамлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган атамалар. Қадим замонлардан муסיқа минтақа халқларининг турмушида муҳим ижтимоий вазибаларни адо этиб келди. Байрамлар, сайиллар, диний маросимлар ва бошқа йирик тадбирлар муסיқа, ашула, рақс ва ўйинларсиз ўтмаган. Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг исломгача бўлган муסיқа санъатида Наврўз ва Меҳргон байрамларида ижро этиладиган куй ва кўшиқлар алоҳида ўрин тутди. Наврўз куйи ва кўшиқларининг ўз номи бўлиб, улар кейинча “Наврўзнома” деб аталмиш туркумга биришди. Меҳргон туфайли пайдо бўлган куйи ва кўшиқлар – “Меҳргони хурд”, “Меҳргоний” ва бошқалар, ҳамда “Меҳргонийн” аталмиш муסיқий туркум маълум бўлган.

Наврўз ва Меҳргон байрамлари туфайли янгида-янги муסיқа атамалари, тушунчалар ва иборалар юзга келган.

1.1.2. Муסיқа атамаларининг шаклланишида “Авесто”нинг ўрни. Баъзи олимлар мақом “гоҳ”ларини “Авесто” “гот”лари билан алоқадор эканига ишора қилмоқдалар, “готлар”ни “гоҳлар” деб ҳам атамоқдалар⁶ ва “гоҳ” сўзини “усул, кўшиқ” деб тушунтирадилар⁷. Исломи дини Ўрта Осиё ва Эронни фатҳ этгач, зардуштийлик дини тамом тақиққа учрайди, ибодатхоналардаги “гот”ларнинг махсус тайёргарлик кўрган уста ижрочилари – муғлар (қоҳинлар)нинг аксарияти таъқибдан қочиб халқ орасида паноҳ топади ва дунёвий муסיқага “Авесто” оҳангларини, атамаларини олиб кирган санъаткорларга айланди. “Авесто” да баён этилган баъзи муסיқий ижролар Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муסיқа”сида ҳам келтирилади. Масалан, зардуш-

тийлар “бож грифтан” маросимида қўлайдиган *فضيب* – “маросимий гул нонда”⁸ билан рақсга тушиш, Ибн Зайланинг китобида *الإيقاع بالفضيب* – “ташқча билан усул бериб рақсга тушиш” мураккаб атама шаклида берилди⁹.

1.1.3. “Шоҳнома” даги муסיқа билан боғлиқ маросимлар ва атамалар. Абдулқосим Фирдавсийнинг салобатли “Шоҳнома” достони – Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг муסיқа санъатининг қадимий ажралмас унсурлари ҳақида ноёб маълумотлар берувчи қимматли манба бўлиб, унда эслатилган кўпгина муסיқий шакллар (“Зам-зама”, “Бож грифтан”) кейинчалик бошқа номлар билан қўлланилиб келган ва келинаётган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабдан Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муסיқа”сида “Зам-зама” ёки “Бож грифтан” атамалари ишлатилмаган, аммо Сиёвушнинг ўлимида ижро этилган *نواحة* – йиғи кўшиғи, *مرثية* – таъзия йиғиси Ибн Зайланинг китобида ўша номда ва ҳолда қолган.

1.1.4. “Девону лутатит турк”да келтирилган муסיқашунослик атамалари. Ўрта Осиё қадимий кўшиқларидан айрим намуналар, туркий халқларда исломгача ҳам истрёмолда бўлган кўп қадимий муסיқа асбобларининг номлари ва ўзга муסיқий атамалар XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лутатит турк” асарида келтирилади. Маҳмуд Кошғарий “Девону лутатит турк” да санаб ўтган муסיқашунослик атамаларининг ҳаммасига Ибн Зайланинг “Муסיқага оид тўлиқ китоб”ида араб тилидаги назиралари келтирилади ва кенг шарҳ берилди. Масалан: *ان* – ун – ун, товуш – *صوت* – товуш, овоз; *سبب* – сибизгу – сибизга, сибизга най – *الناي* – най, қамиш най ва ҳ.к.

1.1.5. “Кўшиқлар китоби” ва унда қайд этилган муסיқашунослик атамалари. Абу ал-Фараж ал-Исфаҳоний (897–967)нинг *كتاب الأغاني* “Кўшиқлар китоби” аталмиш кўп жилдли ноёб асарининг яратилишида Ўрта Осиё ва Эрон халқларида илгари пайдо бўлган кўшиқ тўпламларидан ва муסיқага оид бошқа ёзма манбалардан ижодий фойдаланилган. “Кўшиқлар китоби” да насаби туркий халқлардан бўлган кўплаб машҳур муסיқачиларнинг номлари келтирилади, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги, маданияти, санъати, адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутган Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари даврида (VI–VIII асрлар)¹⁰, Сосонийлар даврида (V–VII) Ўрта Осиё ва Эрондан Арабистонга кириб кела бошлаган муסיқа атамалари, торли, камончали ва пуфлама муסיқа асбоблари, хусусан, уд, рабоб, най хусусида гаплар бор¹¹, созлаш ва қадимий Ажам ижро йўллари борасида изоҳлар келтирилган¹². Китобда исломдан олдинги араб муסיқасига қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари муסיқасининг таъсири ҳақида далилланган маълумотлар мавжуд¹³.

⁸ Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. – Душанбе: Ирфон, 2000. – С. 51.

⁹ Ўша китоб. – С. 225.

¹⁰ Содиков Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Т.: 2004. – Б. 3.

¹¹ Филиппинский И.М. История арабской литературы V – начало X века. – М.: Наука, 1985. – С. 204.

¹² Ал-Исфахани Абу-ль-Фараж. Книга песен. Пер. с араб. А.Б. Халидова, Б.Я. Шидфар. – М.: Наука, 1980. – С. 451.

¹³ Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. – Душанбе: Ирфон, 2000. – С. 9.

⁵ Fattner H.G. A History of Arabian music to the XIIIth century. Lusac Co.LTD. London 2 ed.1973, p.p. 202-205.

⁶ Қодиров М. Дин. “Авесто”, ижрочилик. Ж. Нафосат. – 1993. – № 3-4. – Б. 14-16. Қарим Тохир. Муқаллас “Авесто” издан. – Т.: Чўлпон, 2000. – Б. 156.

⁷ Қодиров М. Дин. “Авесто”, ижрочилик. Ж. Нафосат. – 1993. – № 3-4. – Б.15.

Унда келтирилган араб ийқо даврлари, мусиқа асбоблари, амалий мусиқа, хусусан, ижрочилик масалалари ва уларга хос атамалар Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа” сида илмий таҳлил этилди, бойитилди ва мусиқа илмида бу борада янги сўз айтилди.

1.1.6. Қадимги мусиқа санъати хусусида маълумот берувчи археологик топилмалар. Панжикент деворий суратларида ашула-рақс-чолғу асбоблари ансамбли тасвирланган. Ансамблдаги уд чалувчи аёлнинг ўнг қўлида мизроб, уднинг тўрт тори бор¹⁴, раққоса имолари сезиларли бир кўринишда. Ибн Зайла “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа” сида амалда асосан тўрт торли уд қўлланилганини ва у мизроб билан чалинишини ёзади, имо-ишора рақси – زفن ҳам эслайди.¹⁵ VI–VII асрларга мансуб Панжикент деворий суратларидаги уд ва имо-ишора рақси билан XI асрда Ибн Зайла томонидан таърифланган уд ва рақс орасида айтарли фарқ йўқ.

1.2. Мусиқа назариясига оид манбалар ва уларда қайд этилган мусиқашунослик атамалари.

1.2.1. Юнон мусиқий-назарий мероси. Шарқ мутафаккирлари ўзларининг мусиқий назарияларини ишлаб чиқишда юнон олимлари меросига ижодий ёндашиб, улардан фойдаланганлар. Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа” сида юнон олимларидан ҳеч ким зикр этилмас-да, المتكلمون (қадимгилар) ёки الموسيقون (мусиқашунос-ийқошунослар)¹⁶ деб ёзганда уларни назарда тутди ва Ибн Зайланинг мусиқий қарашларига антик мутафаккирлар асарларининг таъсири ҳам бор. Масалан, мусиқага соф илмий қараш вакиллари билан бўлган Ибн Зайла юнон олимларининг математик қарашларидан уд пардалари ўрнини аниқ белгилаш, удни тўғри сошлаш, буъдларни бўлиш, қўшиш каби назарий-таҳлилий масалаларни ҳал этишда унумли фойдаланган. Ибн Зайланинг мусиқий назарияси юнон мутафаккирлари билимлари билан бойитилган, аммо Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон мусиқий амалиётига асослангандир. Юнон олимлари қўллаган баъзи мусиқа атамалари Ибн Зайла асарига калькалаш, транскрипция орқали кириб келди ва лугат бойлигини тўлдирди.

1.2.2. Абу Наср Форобийнинг мусиқашуносликка оид асарлари ва унинг атамашунослик соҳасидаги хизматлари. Форобий (873-950) – Шарқ мусиқа илмининг асосчиларидан. Унинг илмий меросида мусиқий рисолалар муҳим ўрин тутди. Унинг мусиқа илмига оид энг аҳамиятли, ўз даврининг буюк асари [كتاب الموسيقى الكبير] “Катта мусиқа китоби” мустақил мусиқашунослик фани ва Шарқ мусиқа атамалари тизимининг пайдо бўлишига биринчи туртки бўлди. Ибн Зайла “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа” сида Форобийнинг номини етти марта эслаб, асарларидан иқтибослар келтирган.

Форобийнинг мусиқа илмига оид асарларида, хусусан, “Катта мусиқа китоби” да ўрта асрлар Шарқ мусиқа атамалари тизими шаклланишига асос қў-

йилди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Форобий мусиқа амалиётига оид атамалар таркибига асли форсий ёки туркий бўлганларини олиб кирди. Масалан, الخراسانية – Осиёнинг қадимий минтақаларидан бўлган خراسان га нисбат. Мусиқашунослик атамаси сифатида الخراسانية – чолғу мусиқаси бир шаклининг умумий номи; مستان [استان] – форсча сўз, “куй”, “оҳанг” маъносини англатади. Мусиқашунослик атамаси сифатида مستان [استان] – “парда”; مستان [استان] – форсча сўз, “эртақ”, “ҳикоя” маъноларини англатади. Мусиқа атамаси сифатида مستان [استان] – ашула мусиқаси бир шаклининг умумий номи; زفر – форсча сўз, “ости”, “пастки қисми” маъноларини англатади. Мусиқа атамаси сифатида زفر – уднинг энг пастки, баянд товуш берувчи тори – тўртинчи торнинг номи; شاهروء – якки форсий сўздан ташкил тошган торли мусиқа асбобининг номи. شاهروء (Шохруд) – “рудларнинг шоҳи”; طنبور [طنبور] – туркий “дўмбира” сўзининг кўринишларидан ва у торли тирнама мусиқа асбобининг номи – “танбур” ёки “танбура”.

1.2.3. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг мусиқашуносликка оид асари ва унда қўлланган атамалар. Хоразмий (997 йил вафот этган) нинг маълум ва бизгача етиб келган ягона асари – [مقتبع العلوم] “Илмлар қалитлари” дир. Бу асарнинг мусиқага оид бўлими ҳам эътиборли. Эътиборли жойи шундаки, унда баъзи ноёб мусиқа асбоблари ва уларнинг қисмларининг номлари келтирилади, қисқа шарҳ берилади. Хоразмийнинг мусиқа илмига оид қарашлари Форобий ва Ибн Синоникидек қамрови кенг эмас, аммо у баъзи ноёб мусиқашунослик атамаларни қўллайди. Масалан, الموسيقار (мусиқачи, бастакор) атамасини, қадимий юнон торли тирнама мусиқа асбобларининг баъзиларининг аталешларини келтиради: القنطرة، الشكيق، اللور، اللور (лира) нинг умумий шакли ҳозирда мусиқа эмблемаси сифатида қабул қилинган، الموسيقار (мусиқачи, бастакор) атамаси эса араб тилида ҳануз истеъмолдадир.

1.2.4. Абу Али ибн Синонинг мусиқашуносликка оид асарлари ва уларнинг мусиқа атамашунослиги тарихидаги ўрни. Абу Али ибн Сино (980–1037) Форобийдан кейин Шарқ мусиқа илмида янги давр очган буюк мусиқашунос алломадир. Унинг мусиқашуносликка оид рисолалари ичида тўласи, илмий қомусий асари “Шифо”нинг мусиқага бағишланган бўлими – [جوامع علم الموسيقى] “Мусиқа илми тўплами”. Улуғ ҳақимнинг мусиқа атамалари тизимининг шаклланишидаги хизматлари буюк. Ибн Сино мусиқанинг товуш таркибига ва метроритмикасига оид назария яратди ҳамда унга тегишли атамалар тизимини қўллади: صوت (товуш)، نغمة (нағма, тон)، بعد (буъд, интервал)، جنس (жинс, тетрорхорд)، جمع (жам, товушқатор): ضرب (зарб, урилиш)، نقرة (нақра, бўлимас метроритмик бирлик)، جزء (ритмик бўлак)، لوز (ритмик давр)، الإيقاع (ийқо, ритм кўриниши). Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа” си Ибн Синонинг “Мусиқа илми тўплами” га ўхшашлиги сезилади.

X–XI асрлар Шарқ мусиқашунослигидаги соф илмий йўналиш вакиллари бўлган Форобий, Ибн Сино ва Ибн Зайланинг асарларида мусиқа илмини баён этиш принциплари – ўхшаш. Уларнинг мусиқа илмига оид асарларида ворисийлик анъаналари кўп жиҳатларда кўрилади. Ибн Зайла ўтмишдошларининг (юнон ва илмда юнон анъаналарининг давомчиси Киндийнинг) ил-

¹⁴ Вызго Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. – М.: Музыка, 1980. – С. 52.

¹⁵ Ганжар Матёқубова шу каби рақси таърифлайди. Қаранг: Матёқубова Г. Офатихон “Лазги”. – Т., 1993.

¹⁶ أبو منصور الحسين بن زينة. كتاب الكافي في الموسيقى. الكتاب المخطوط المتحف البريطاني بلندن مجلد رقم OR2361. ص 230 ا، 230 ب 231 ا، 231 ب

мий-муслиқий қарашларини танқидий ўрганиб, Форобий ва Ибн Синонинг муслиқашуносликда эришган ютуқларига ижодий ёндашиб, умумлаштириб ўзининг муслиқ атамалари тизимини яратди.

II боб. “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг қўлэмалари, нашри ва тузиллиши.

2.1. “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг қўлэмалари нусхалари. X–XI асрлар аллома ва мутафаккирлари асарларининг ўзлари яшаган даврларда кўчирилган матилари бизнинг давримизга етиб келмаган, бизгача етиб келганлари кейинчалик кўчирилган нусхалардир. Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг бизгача етиб келган икки қўлэмаси XV ва XVII асрларда кўчирилган. Ҳозирча китобнинг шу икки қўлэмалари маълум ва мавжуд.

2.1.1. “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг Ризо кутубхонаси нусхаси. Ҳиндистондаги Ризо [رضا] кутубхонаси нусхаси ёзуви жуда мужмал, ноаниқ, хатоларга бой. Хати – настаълиқ. Хатотнинг исми кўрсатилмаган. Унинг фотонусхаси Араб Давлатлари Уюшмасининг Қўлэмалар институтида сақланмоқда. Қўлэманинг ҳужжатида айтилишича, у ҳижрий IX асрга (милодий XV аср) мансуб¹⁷.

2.1.2. “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг Британия музейи нусхаси. Китобнинг Лондондаги Британия музейи нусхаси 1940 йилда топилган.¹⁸ У ҳижрий 1073 йил кўчирилган. Хати – настаълиқ. Хатотнинг исми кўрсатилмаган, ёзувда хатолар, тушириб қолдирилган сўзлар, ноаниқликлар кўп. 139 ҳолатда хатоларни тузатиб, ноаниқ сўзларни тиклаб, тушириб қолдирилган жойларни тўлдириб ва ҳошиялардаги ёзувларни аниқлаб ўқидик ва уларнинг ҳар бирини кўрсатиб ўтдик.

“Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг Британия музейи қўлэмалари нусхаси Ризо кутубхонаси қўлэмалари нусхасидан кўчирилган. Бунга ҳар икки нусхадаги хатоларнинг, тушиб қолган жумла ва сўзларнинг бир хиллиги ҳам далилдир. Ризо кутубхонаси қўлэмалари матнидаги баъзи хатолар Британия музейи матнида тузатилган.

2.2. “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг нашри. Абу Мансур ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг танқидий матни 1964 йил Қоҳирада, муъжаз муқаддима билан нашр этилди.¹⁹ У ўз даврида фойдали бир иш бўлган бўлса-да, илмий жиҳатдан етарли жиҳозланмаган, қадим атамалар ёритилмаган. Бунга сабаб, Киндий ва Ибн Синонинг муслиқага оид рисолаларининг нашрида мазкур вазифалар бажарилганлиги деб кўрсатилди. Бундан ташқари танқидий матнда қўлэмалардаги кўп хатолар тузатилган бўлса-да, баъзи хатолар қўшилган ҳам. Уларни кўрсатиб ўтдик.

2.3. “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”нинг тузилиши. Асар қисм ва фаслларга бўлинмаган, бошдан охири узлуксиз давом этади. Уни мавзулар бўйича беш қисмга бўлдик, мазкур қисмларни ўз навбатида қуйидагича фаслларга ажратилиб сарлавҳалар қўйдик:

1-تعريف الموسيقى (Муслиқа илмига кириш): а) المنخل الى علم الموسيقى (Муслиқа таърифи); б) حدوث الصوت واسبابه (Товуш ҳосил бўлиши ва унинг сабаблари); в) المتعلق والمتعلق من النفس (Товушнинг нафсга таъсири); г) تأثير الصوت في النفس (Ўқимли ва ўқимсиз нагмалар-ковсонанс ва диссонанслар).

2-علم التأليف (Таълиф (композиция) илми): а) أنواع الأبعاد (Бўёд (интервал) турлари); б) الجنس وأنواعه (Жинс (тетракорд) ва унинг турлари); в) جمع الأبعاد و تفرقتها (Бўёдларни кўпиши ва айириш); г) الإيقاع (Жам-гамма); д) الإبتغال (Кўчириш, ҳаракат).

3-علم الإيقاع (Ийқо (ритм) илми): а) الإيقاع (Ийқо); б) أنواع الإيقاع (Ийқо турлари).

4-تأليف اللحن (Муслиқа яратиш): а) علم تأليف اللحن (Муслиқа яратиш илми); б) أنواع الألحان (Муслиқа турлари).

5-الآلات الموسيقية (Муслиқа асбоблари): а) الآلات الموسيقية (Муслиқа асбоблари); б) تنسوية العود (Уднинг созланиши); в) الناي (Най).

Асарнинг мундарижаси билан танишишнинг ўзиёқ, у муслиқашуносликка оид барча масалаларни ва уларга хос атамаларни қамраб олганини кўрсатади. Унда Ибн Зайла овоз, муслиқий овоз – нагманинг ҳосил бўлишидан то муслиқий асарнинг яратилишигача, сибизгадан тортиб удгача, муслиқа сўзи таърифидан то муслиқанинг нафсга таъсиригача бўлган масалаларга оид муслиқашунослик атамаларини қўллади.

III боб. “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа”даги муслиқашунослик атамаларининг ясаллиши усуллари.

X–XI асрларда яратилган араб тилидаги муслиқа илмига оид рисолаларда қўлланилган муслиқашунослик атамаларининг шаклланиш, ясаллиши асослари тадқиқ этилмаган, ўрганилмаган. Шунинг учун, кўпинча атамалар шарҳи, таржимаси тўғри бўлмайди.

“Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-муслиқа” билан танишиб, муслиқашунослик атамалари араб тилининг ўз имкониятларидан фойдаланиш орқали қуйидаги йўлларда ясалган, танланган ва лингвистик хусусиятларга эга бўлганлигини кузатамиз:

3.1. Араб тилидаги умумистеъмолдаги сўзлардан муслиқашунослик атамалари ясаллиши. Муомаладаги оддий сўз ва сўз бирикмаларнинг ўзлари англаган асл маъноларидан ташқари махсус маъноларда қўлланилиши натижасида муслиқашунослик атамаларининг катта қисми шаклланди:

مقام (мақом) араб тилида “ўриш”, “жой”, “ҳолат”, “вазият”, “босқит”, “даража” каби ўнга яқин луғавий маъноларни англатувчи сўздир.

مقام сўзи турли соҳаларга хос атама сифатида қўлланилиб, ҳар соҳада муайян маънони билдириб келади.

X–XIII аср араб тилидаги муслиқашунослик китобларида, жумладан, Ибн Синонинг “Муслиқа илми тўшамми”да [جوامع علم الموسيقى]، Ибн Зайланинг “Муслиқага оид тўяқ китоб”ида [كتاب الكافي في الموسيقى] ва Сафийуддин Урмавийнинг “Даврлар китоби”да [كتاب الأنوار] مقام (мақом) сўзи “нагма жойи”, “парда ўрни” маъноларини англатувчи атама сифатида қўлланган.

مقام атамаси XV–XVIII аср манбаларида “лад”, “лад тизим”ни англатди ва ўн икки мақом парда тизимини билдирувчи атама сифатида ишлатилган: مقامات نوازده. Жамларнинг энг комил турлари ўн икки мақом парда тизимига кирган. Улар қуйидагилар: Ушшоқ, Паво, Бусалиқ, Рост, Хусайний, Ҳижоз, Раҳовий, Зангула, Ироқ, Исфаҳон, Зирафқанд (ёки Кучак) ва Бузург (Бузрук).

¹⁷ أبو منصور الحسين بن زبلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار الفلم. القاهرة 1964. ص. 6.
¹⁸ هنري جورج فلامر، مصدر الموسيقى العربية، ترجمة الدكتور حسين نصير مكتبة بصير بمصر، بدون سنة عن 78
¹⁹ أبو منصور الحسين بن زبلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار الفلم. القاهرة 1964. ص. 80

مقام атамаси XIX аср бошларидан мумтоз муסיқа шакллари туркум кўринишдаги мустақил муסיқий асарларни ва уларнинг мажмуасини англа-тувчи атамага айланди. Хусусан, Шашмақом: Мақоми Бузрук, Мақоми Рост, Мақоми Наво, Мақоми Дуғоҳ, Мақоми Сегоҳ, Мақоми Ироқ.

مقام атамаси, кейинроқ мақомларнинг миллий ва минтақавий кўринишларини ифода этишда ҳам қўлланила бошланди: Араб мақамлари, Озарбайжон муғомлари, Тошкент-Фарғона мақом йўллари, Уйгур муқомлари, Хоразм мақомлари ва бошқалар.

صوت (савт) араб тилида “овоз” маъносида ишлатилиб келинади, муסיқашуносликда “овоз” (голос) ва “товуш” (звук) маъносидаги атама сифатида қўлланилади. Ибн Зайланинг китобида ҳам шундай. Аммо ўзбек муסיқасида, Алишер Навоий даврларида صوت (савт) деб муסיқа айтим шакли аталган. Ҳозирда эса Шашмақом наср (апула) бўлимининг иккинчи қисми шўъба йўлларида бирининг номи савтдир. Масалан, Мақоми Бузрукда Савти Сарвиноз, Мақоми Ростда Савти Ушшоқ, Савти Сабо ва Савти Калон, Мақоми Навоиди Савти Наво ва Мақоми Дуғоҳда Савти Чоргоҳ. Мақом йўлидаги ўзга муסיқий асарларда ҳам صوت (савт) бўлиши мумкин.

الآت [آت] – умумистеъмолда “ускуна” маъносида ишлатилиб келинса, муסיқа илмида “муסיқа асоби”, “чолғу” ни англаувчи атамадир.

حاملة [حوامل] – “юк кўтарувчи”, “хўтариб юрувчи”. Муסיқа атамаси сифатида бу сўз ўзбек тилида қўлланиладиган форсча “харрак”ка (эшак) тўғри келади. حاملة – харрак торли муסיқа асбобларида торларни қопқоқ ва дастага боғланган пардалардан юқори кўтариб турувчи ёғоч пона. У қопқоқ устига ўрнатилади. Бу бир парча ёғоч бўлакчаси – حاملة (харрак) турли муסיқа асбобларида турлича ўлчам ва кўринишда ясалади. Ўзбек тилида баъзан “эшак” деб ҳам юритилади. حاملة (харрак) нинг مشط (харрак-илгак) дан фарқи унда торларни боғлаш учун илгак йўқ.

سباج [سباج] – “майин”, “нозик” – асл маънолари. Муסיқашуносликда “бир октавага пасайган нағма”, “асос” (асослаш) тушунчасини берувчи атамадир. Замонавий араб муסיқашунослигида قرار деб юритилади ва ҳоказо.

اناب [اناب] – асли “бурун” дегани, аммо муסיқа атамаси сифатида торли муסיқа асбобларининг даста тепасига, қулоқхонадан олдин маҳкам қилиб ўрнатиладиган “шайтон харрак” маъносини англади.

حلا – “ўткир”, муסיқа атамаси сифатида “баланд (товуш, овоз, нағма)”, “баланд тор – уднинг бешинчи тори” маъноларини англади.

صباح [صبح] – “бақирик”, “кичқирик” – асл маънолари. Муסיқашунос-ликда, хусусан, Ибн Зайланинг китобида “бир октавага кўтарилган нағма”, “чўққи” (вершина) тушунчасини берувчи атамадир. Замонавий араб муסיқашунослигида جواب деб юритилади.

امشاط [امشاط] – биринчи ва асл маъноси “тароҳ”, лекин “хаскаш” маъносида ҳам ишлатилади. Муסיқа атамаси сифатида бу сўз уд, гитара каби муסיқа асбоблари қопқоғига ўрнатиладиган, торлар қулоқ томондан келиб уланиди-ган, торларни қорин ва дастага боғланган пардалардан юқори кўтариб турув-чи қаттиқ ёғочдан ёки бошқа мустаҳкам материалдан ясалган “харрак-илгак”

ни ёки танбур, дутор каби муסיқа асбобларида коса (қорин) тагига ўрнатила-диган “илгак” ни билдиради ва бошқалар.

3.2. Муסיқашуносликка оид мураккаб атамалар ясалгани. Содда атамаларни изофа бирикмалари таркибига киритиш ёки уларга мослашган аниқ-ловчилар боғлаш ёки ўзга воситалар орқали муסיқашуносликка оид мураккаб атамалар ясаш йўли. Масалан: آلات النفخ (пурфлама асбоблар); آلات الفرع و النقر (урма асбоблар); آلات نوات الأوتار (торли асбоблар); الجهر الرباعي (камончали асбоблар); الصوت الحاد (баланд, ингичка (овоз) товуш); نغم التواتر (кетма-кет келувчи нағмалар ва бошқалар).

3.3. Чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш, арабчалаштириш орқали ясал-ган муסיқашунослик атамалари. Чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш, араб-чалаштириш, араб тили вазнларига солиш орқали муסיқашунослик атамала-рининг маълум қисми ясалган. Масалан: أرغن [ارغن] – қадимий юнон тилида “курол” маъносини беради. Орган – гармонсимон дамли асбоб номи. Ҳозирги орган назарда тутилмаган; طنبور [طنابور] – туркий “дўмбира” сўзининг кўринишларидан деган тахмин бор²⁰ ва у торли тирнама муסיқа асбобининг номи – “танбур” ёки “танбура”; نمشند – форсча қўшма сўз, “билагузук”, “хўлжишан” маъноларини англади. Муסיқа атамаси сифатида نمشند – “дастбанд” – кўпчилик бир-бирларининг қўлларини ушлаб тутиладиган мар-росимий рақс турининг номи; روشن روشن – форсча ёриқ, равшан) сўзининг араб тилидаги синиқ қўшлик сон вазнидаги кўриниши. Муסיқа атамаси сифа-тида روشن روشن – чолғу муסיқаси бир шаклининг умумий номи ва бошқалар.

3.4. Чет тиллардаги сўзларни айнан таржима қилиш (калькалаш) орқали ясалган муסיқашунослик атамалари. Бошқа тиллардаги сўзларни айнан тар-жима қилиш (калькалаш) орқали муסיқа атамалари ясаш усули ҳам кузатила-ди. Масалан: النغم الذي بالكمل “ҳаммасини қамраб олган бўъд” ибораси бўлиб, у юнон тилидан айнан таржимадир ва “кенглиги саккиз поғона бўлган ора-ликнинг ҳамма поғоналарини қамраб олган бўъд” деган маъно беради. Шу-нинг учун лотин тилида бу бўъд “octava” (октава-саккизинчи) деб аталган. النغم الذي بالكمل (октава) Форобий асарларида النغم نوالكل (ҳаммасига эгалик қилувчи бўъд) шаклида ҳам учрайди. Аммо бундай бирикмаларда, кўпинча النغم калимаси тушириб қолдирилади ҳамда мазкур атама қуйидаги шаклда эга бўлади: نوالكل الذي بالكمل – октава.

3.5. Муסיқашунослик атамаларининг сўз туркумларидан ясаллиши. Ибн Зайланинг муסיқашунослик атамалари асосан араб тилида. Араб тили грам-матикасида сўзлар уч туркумга бўлинади: الفعل (феъл) (замонлари, майллари, писбатлари, бўлиш ва бўлишсиз шакллари), الاسم (исм) (от, сифат, олмош, сон, равиш, масдарлар, сифатдошлар), الحرف (ҳарф) (ёрдамчи сўзлар - аниқлик артикли, предлоглар, юктамалар). Муסיқашунослик атамаларининг яса-лишида барча сўз туркумларидан фойдаланилган.

3.5.1. Муסיқашунослик атамаларининг феъл ўзақларидан ва ҳосила феъл вазнларида ясаллиши. Муайян феълнинг ўзақидан ёки ҳосила феъл вазнлари-дан фойдаланиб муסיқа атамалари ясаш йўли. Масалан: الف (II боб феъли) –

²⁰ Фитрат А. Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи. – Т.: Ф. Гулом, 1993. – Б. 26.

“келиштирмак”, “тузмак”, “яратмак”, تالیف – “таълиф” (композиция), مؤلف – “бастакор”, “муаллиф”, مؤلفات – асарлар; أوقع (IV боб феъли) – “созламак”; إيقاع – “ийқо” (ритм); “вази”, “усул”; موقع – “созловчи”; “мусиқашунос – ийқошунос”; وتر (I боб феъли) – “таранг тортмоқ”; وتر [وتر] – “тор”, “сим”, “ип” (торли чолғуларидоғи); نواتر – кетма-кет келувчи нағмалар ва бошқалар.

3.5.2. Мусиқашунослик атамаларининг исм (от, сифат, олмон, сон, равиш, масдарлар, сифатдошлар) вазиларида ясалishi. Мусиқашунослик атамаларининг катта қисми الاسم исм шаклида ясалган ва муайян туркум, боб, вазн, ўлчам, сон, ўзак бўйича вужудга келган. Масалан: сифатдошлар вазиларида ясалган мусиқашунослик атамалари:

I боб аниқ нисбат сифатдошлари вазни – فاعل
 (кўтариладувчи товуш) حافظ (хофиз), راجع (қайтарма товуш), زامر (найчи), صاعد (кўтариладувчи товуш)
 Масдарлар вазиларида ясалган мусиқашунослик атамалари: فعل
 I боб масдар вазиларида انف (жам, жинслар тизими, гамма-товушқатор), جمع (шайтон харрак), حرف (ҳарф, товуш), (рақс), (рақс), (иммо-ишора рақси).

Сон вазиларида ясалган мусиқашунослик атамалари: متعل – Тақсим сон вазин (зирга нисбатан “учинчи тор”, “уч карра паст товушли тор”) متلث – (зирга нисбатан “иккинчи тор”, “икки карра паст товушли тор”) متثنى –

“Китоб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа”нинг кўлэзмаларини, ягона напирини ва рисолада кўлланилган мусиқага оид атамаларнинг ясалishi усулларини ўрганиш ва атамаларнинг лингвистик таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай сўз атама бўла олмайди. Тўшунча билан бирга чет тиллардан кириб келган мусиқашунослик атамалари араб тилида лугавий маънога эга бўлмайди. Ибн Зайланинг мусиқашунослик атамалари мусиқий илм ва адабий баён санъати билан ҳамоҳанг ривожланди ва ўзида даврлар мусиқий тафаккурини акс эттирди.

IV боб. “Китоб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа”да мусиқашунослик атамаларининг таълими, баён этиш принциплари ва атамаларининг таснифи.

Ибн Зайланинг “Китоб ‘ал-кафий фий ‘ал-мусиқа”сида мусиқа илмини баён этиш қуйидаги принципларга асосланди:

1. Соф мусиқий-назарий масалаларни мусиқа амалиётига боғлиқ ҳолда тадқиқ ва таҳлил этиш.

2. Мусиқа амалиётига оид масалаларни назарий жиҳатдан асослаб бериш.

3. Мусиқанинг нафсга таъсири, таъсир жиҳатидан мусиқа таснифи, мусиқий нафосат масалаларини очиб бериш.

Мазкур баён этиш принциплари, ўз навбатида, мусиқий мавзулар бўйича атамалар тизимининг яратилишига олиб келди.

Мазкур боб уч қисмдан иборат.

4.1. Мусиқа назариясига оид масалалар ва уларга хос атамалар. Ибн Зайла назарий мусиқага лўнда таъриф беради: “...нағмалар ҳолатларини, ийқоларни ва қандай қилиб мусиқа басталаниши назарий жиҳатдан ўрганишимиз

назарий мусиқа санъати [صناعة الموسيقى النظرية] дейилади”²¹. Назарий мусиқа санъатига хос атамалар икки гуруҳдан иборат:

4.1.1. «Илм ‘ат-та‘лиф» [علم التأليف] – мослаштириб тузиш (композиция) илми ва унга хос атамалар. «Нағмалар (тонлар)нинг ёқимли ёки ёқимсизлиги нуқтаи назаридан, уларнинг ҳолати ҳақидаги баҳс «Илм ‘ат-та‘лиф» [علم] – мослашув (композиция) илми деб аталади”²². صوت [اصوات] – товуш, овоз; نغمة [نغمات] – накра (нағма боши), энг майда, бўлинмас метро-ийқойий бирлик; نغمة حثينة – тезкор накра; نغمة [نغم] – нағма (тон), ашула мусиқасида безак куй, оралиқ куй; بعد [بعد] – бў‘д (интервал); الذي يلائن مرتين – иккиланган октава – квинтдецима; جمن [جمن] – живс, биттадан ортиқ бў‘длар тизими, тетракорд; جمع [جموع]، جماعة – жам, жинслар тизими, гамма (товушқатор); [الإبتغال] – кўчиш, ҳаракат.

4.1.2. ‘Илм ‘ал-ийқа’ [علم الإيقاع] – ийқо (ритм) илми ва унга хос атамалар. “Куй нағмалари орасидан ўтадиган замон миқдори ҳақидаги баҳс ‘Илм ‘ал-ийқа’ [علم الإيقاع] – ийқо (ритм) илми дейилади”²³. العار – вақт ўлчов бирлиги; ت (фатҳали т) – вақт ўлчов бирлигига тенг; ث – (сукунли т) вақт ўлчов бирлигининг ярми; ثن (тана – т фатҳали, н фатҳали) – вақт ўлчов бирлигининг иккилангани. «Та – ت»нинг вақти хафиф – энгил, «тан – ثن»нинг вақти сақил – оғир. Ийқо турлари – أنواع الإيقاعات; ‘Ас-сақил ‘ал-‘аввал [النقل الأول]; ‘Ас-сақил ‘ас-саний [النقل الثاني]; Сақил ‘ар-рамал [النقل الثالث]; Хафиф ‘ар-рамал [النقل الرابع]; Хафиф ‘ас-сақил ‘ас-саний [النقل الثاني]; Хафиф ҳазаж [الهرج]; Хафиф ‘ас-сақил ‘ас-саний [النقل الثاني]; Хафиф ҳазаж [الهرج]; Махурий [المأخوري]²⁴. Накра (нағма боши) ларни ёзувда ифода этиш учун Ибн Зайла кўллаган белгилар ва уларнинг замонавий нота ёзувидаги кўринишлари аниқланди.

4.2. Мусиқа амалиётига оид масалалар ва уларга хос атамалар. Ибн Зайла ёзишча, мусиқа амалиётининг [صناعة الموسيقى العملية] ўзи икки синфдан иборат. Мусиқа басталаш ва мусиқа ижрочилиги

4.2.1. تأليف الحون – мусиқа басталаш ва унга хос атамалар. [تأليف الحون] мусиқа басталаниши Форобий [صيفة الأحن] деб юритган. [صاغ] феъли “тузмак”, “шакллантирмак” маъноларини билдириб, Ибн Зайла ҳам уни “басталамоқ” маъносида ишлатган. Бу мавзуга хос атамаларга мисоллар: [مؤلف] бастакор, [ارتياض بالتأليف] ашулалар, [شعر] шеър, [بيت] байт, [ارتياض بالتأليف] бастакорлик тажрибаси, [الترديدات] тремоло, [تركيبات] мусиқий бирикмалар, [طى] накра яшириш, [تضعيف] иккилантириш, [تعزيز] трель, [تمزيج] нағмаларнинг аралашуви, [تركيب] нағмаларни бириктириш, [بدل] нағмани назирасига алмаптириш, [ترنيل] ашула қилиб ўқиш, [حثيث] тез, тезлаштириш, [تمديد] чўзиш,

²¹ أبو منصور الحسين بن زبلة. كتاب التأليف في الموسيقى. الكتاب المخطوط المتحف البريطاني بالندن مجلد برقم 2361. 232 а.

²² Уша китоб. Б. - 220а.

²³ Уша китоб. Б. - 220 а.

²⁴ Уша китоб. Б. - 232 а.

[استراحتات] музикалий чекиниш, [إردافات] жўрнавозлик ва [نغمه] нағма, “оралиқ куй (интерлюдия)” маъносида ҳам қўлланилган.

4.2.2. أداء الألقان – музика ижрочилиги ва унга хос атамалар. Ибн Зайла музикани икки шаклга бўлади: 1. ألحان الآلات – чолгу музикаси. 2. الأغاني – ашулалар ва қўшиқлар – айтим музикаси.

Китобда чолгу музикасининг тўрт шакл кўриниши номлари келтирилган: 'Ар-Рабиш [الراوشين], Хурасания [الخراسانية], Фарсия [الفارسية], Қадима [القديمة] ва ашула (айтим) музикасининг эса икки шакл кўриниши номлари келтирилади:

1. “السمتات” – Достонлар. “Булар гап ва ашулалар билан келувчи айтим музикасидир”²⁵. “Достон” музика атамаси ҳозир ҳам бор. У дўмбира ёки дутор (баъзан тор) жўрлигида, маълум оҳангда, насрий ва назмий матн билан айтиладиган ашула шаклларида. Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм ва бошқа вилоятларда тарқалган.

2. “الطرائق” – Йўллар. “У – турли тиллардаги ҳар хил шеърлий вазиларга нисбатан қўлланиладиган (ашула) санъатлардан”²⁶. “الطرائق” – “Йўллар”, бирлиги “طريقة” – “Йўл” музика атамаси замонавий ўзбек музикасида кенг қўлланилади. Масалан, “Тошкент, Фарғона мақом йўллари” – мақомларнинг маълум вариантлари, “Айтим йўли” – Хоразм мақомларининг ашула бўлими, “Сурнай йўллари” – йирик шаклли (Сурнай Навоси, Сурнай Ироғи, Шодиёна, Мискин каби) ўзбек анъанавий куйлари ва бошқалар.

Ибн Зайла санаб ўтган ўн саккиз музика асбобининг деярли барчаси у ёки бу кўринишда, у ёки бу номда асл мазмун ва шаклини йўқотмаган ҳолда ҳозирги кунда ҳам истеъмолда, масалан:

1. “Уд [عود] – [عِيدَان، أَعْوَاد] – уд (удлар) – ўрта асрлар музикалий рисолаларида музикалий-назарий масалаларни шарҳлашда восита қилиб олинган торли тирнама чолгу. “Омма орасида кенг қўлланиб келаётган музика асбоби – уд”²⁷. Ўрта асрларда “барбаг” [بَرْبَغ] деб ҳам аталган. Унинг таркиби қуйидагича: Уднинг бош қисми [رَأْسُ الْعُود]، қулоқлар [جُلُود]، қулоқ хона [بَيْتُ الْمَلَاوِي]، шайтон харрак [أَنْف]، даста [عَنْق]، парда [مِسْتَان]، тор [وَتْر]، қорин (коса) [صَنْدُوق]، қопқоқ [مَنْطَج]، деко тешиклари [شَمْشِيَّة]، харрак [حَمَلِيَّة]، илгакли харрак [مَنْطَج]، медиатор [مَضْرَاب]. Ҳозирда ўзбек музикасида қўлланиладиган уд олти торли (бамм торидан ташқари яна бешта жуфт тор), квартага соланади.

2. “الإيقاع بالقضيب” – таёқча билан усул бериш. Махсус икки таёқчани бир-бирига уриб, усул бериб туриш қадимдан бор. Ҳозир ҳам кўчмаччи арабларда [الإيقاع بالقضيب] деганда, қайроқча ўхшаш урма музика асбоби тушунилади. [القضيب] – рақс турларидан бирининг номи ҳамдир. [القضيب] сўзи арабчадан ўзбекчага “новда”, “новдача”, “таёқ”, “таёқча”, “темир таёқ” деб таржима қилиниши мумкин. Зардуштийлик дини тарқалган даврларда “бож гирифтган” маросимларида [القضيب] – гул ёки дарахт новдалари билан рақсга тушганлар. Таёқ, таёқ-

²⁵ Ўша китоб. Б. - 232 а.

²⁶ Ўша китоб. Б. - 232 а.

²⁷ Ўша китоб. Б. - 235 б.

ча, ўсимлик новдалари, темир таёқчалар билан рақсга тушиш ислом фатҳидан кейин ҳам давом этиб келмоқда. Ўзбекистоннинг жанубий мингақаларида, Афғонистоннинг шимолида ёйилган “Дучова – икки таёқча” рақси усулнинг тезкор, жўшқинлиги билан ажралиб туради. Рақоснинг икки қўлида иккитадан тўртта таёқча бўлиб, улар воситасида рақос гоҳ жарангдор, гоҳ бўғиқ товуш чиқариб, усул бериб рақсга тушади. Сапоя ёки сафоил – усул берувчи, шикилдоқли, урма музика асбоби [الإيقاع بالقضيب] нинг ўзгинаси. Сапоя – икки қаричча келадиган икки қаттиқ таёқча бўлиб, унга ҳар бирига ўн олтитадан майда темир ҳалқачалар осилган икки ҳалқа ўрнатилган урма музика асбоби. Сапоячи рақос, икки ҳалқанинг пастроғидан сапояни ушлаган ўн қўлининг тез-тез ҳаракати ёки уни ўнг елкасига енгил-енгил уриши билан усул беради.

4.3. Музика эстетикаси ва унга хос атамалар. Ибн Зайланинг музикалий-эстетик қарашлари ўта муҳим, аммо бу борадаги гаплари китобнинг бир ерида жам этилмаган, бир тизимга солилмаган ва улар асосан ахлоқий-эстетик маънога эга. Ибн Зайланинг музика пайдо бўлиши назариясига кўра инсон нутқининг ҳам, музиканинг ҳам асоси бир. У – нутқ товуши [حَرْف] ва овоз [صَوْت]. Бу назария замонасининг илғор назарияси бўлиб, музика эстетикасининг кейинги ривожидан давомидан музиканинг пайдо бўлиши масаласидаги илмий назариянинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатди.

Ибн Зайла музикани идрок этишда асосий куч деб қуйидагиларни билди: эшитиш ҳисси [الْحِسُّ السَّمْعِي] ёки [حاسة السَّمْع]، фарқлаш кучи [قوة التَّمْيِيز] ва тасаввур этиш [تَصَوُّرَات، تَخَيُّلات]. Эшитиш ҳисси музикани эшитади, аммо нафс уни фарқлайди. Музикани тасаввур этишни эса, Ибн Зайла фаҳм [فَهْم] ва зехн [ذَهْن] кучи билан боғлайди ва музикани эшитишдан мақсад “хаёлда тасаввур этиш, фаҳмлаш”²⁸. “Кўпинча хаёлат ва ақлни идора этиш ҳаяжонлинишларга [التهالات] боғлиқдир” дейди²⁹.

Музиканинг нафсга таъсири борасида Ибн Зайланинг ноёб фикри борки, бу фикр кейинчалик тасаввуф илмининг йирик вакиллари учун ҳам асос бўлди: “Товуш нафсга икки томонлама, тузилиши [تَأْلِيف] билан ва унга мос тушиши [مُخَالَف] билан таъсир қилади. Кези келди, эслатаман, хусусан, инсон нафси учун товушдан кўп манфаат бор”³⁰. Музика таъсир кучи бўйича қуйидагича таснифланган: [الْحان مَخِيلَة] – лаззатбахш музика; [الْحان مُعَالِيَة] – хаёлий музика; [الْحان مُعَالِيَة] – ҳаяжонлантирувчи музика. Ибн Зайла музикани камолотга етишиш воситаси деб билди ва [الْفَضْل] – энг афзал, [الْعَلَم] – энг етик, [الْفَيْد] – энг фойдали музика айтилган уч сифатни ўзида жам этган музикадир дейди³¹.

“Музика илми шу маънода фойдалики, у мувозанатни йўқотганларнинг хулқини мувозанатга келтиради, камолотга эришмаганларни камолотга етказ-

²⁸ أبو منصور الحسين بن زبلة، كتاب القافي في الموسيقى، كتاب المخطوطات المتحف البريطاني، لندن، مجلد رقم 2361، 234 - OR.

²⁹ Ўша китоб. Б. - 233 б.

³⁰ Ўша китоб. Б. - 220 б.

³¹ Ўша китоб. Б. - 233 б.

зади, мувозанатда турганларнинг мувозанатини сақлайди³². Музиқанинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги Ибн Зайла фикрлари эътиборлидир: “Форслар ва бошқа (халқ) лар басталаган нарсаларга ва уларда бор машҳур дoston ва куйларга қараганда нағмалар таркибидаги баъзи кўчишлар саховатни [السحاء], бошқалари шижоатни [الشجاعة], яна баъзиси ҳамият [الحمية] ва садоқатни [الألفة] ифода қилса, баъзилари нафсда мардликка мойиллик уйғотса, бошқалари эса айтилган ҳислатлар аксига мойил қилиб кўяди³³. Музиқа кишиларда зўравонлик [قوة شهوانية], эҳтирос кучларини [قوة غضبية], газаб [قوة شهوانية], шодлик [سُرور], алам [الم], саховат [سحاء], шижоат [شجاعة], ҳамият [حمية], садоқат [ألفة], покиза ҳиммат [همة شريفة], ҳалшмлик [حلم], билимдонлик [إدراية] ва Ҳаққа интилувчи ёқимли туйғу [هبة لذيذة مائلة إلى الحق] бериши мумкинлигини таъкидлайди Ибн Зайла.

Ибн Зайланинг музиқий-эстетик таълимоти, энг мукамал, энг афзал ва “ёқимлиликда етик бўлган [الملائمات الثمينة] музиқа ва музиқа асбобларининг барчаси хурсандчилик қилинадиган нарсанинг ўрнини эмас, балки табиий озуқа [الأغذية الطبيعية] ўрнини эгаллайди” дейди³⁴.

Ибн Зайланинг музиқий-эстетик таълимоти ва унга хос атамалар ҳа-лафлари томонидан ижодий ўзлаштирилди ва тўлдирилди³⁵.

Хулоса

Мазкур тадқиқот куйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Қадим юнон мутафаккири Платон (Афлотун) нинг “музиқа давлат ҳақидаги таълимотнинг таркибий қисми” ва Аристотель (Арасту) нинг “музиқа шеърият назариясининг бир бўлаги” деган қарашларидан фарқли ўларок, Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-музиқа”си Шарқда мустақил музиқашунослик фани вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда шу минтақа халқлари музиқаларига оид атамалар тизимининг шаклланиши ва ривожига асос солганлардан бўлди.

2. X–XI асрларда Ўрта Осиёда кенг истеъмолда бўлган музиқашунослик атамаларининг мукамал тизими мавжудлиги исботланди ва Ибн Зайла ўрта асрлар Шарқ музиқашунослик атамалари тизимининг ижодкорларидан бири сифатида кашф этилди.

3. Араб тилидаги музиқашуносликка оид атамаларнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп асрлар давом этган мураккаб жараёндир. Ибн Зайла қўллаган музиқага оид атамалар умумистеъмолдаги сўзлардан, феъл ўзақлари, ҳо-сила феъл вазнларидан, исм вазнларидан, синтактик йўл билан, ўзлашган сўзлардан ва чет тиллардаги (юнон тилидаги) музиқа атамаларини калькалаш воситасида ясалган.

³² Фараби. О происхождении наук. В кн.: Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII–XII вв. – М., 1960 (Приложение стр. 150–151 перевод с латинского А. Рубина.)

³³ أبو منصور الحسن بن زَيْلَةَ. كتاب الكافي في الموسيقى. الكتاب المخطوط المتحف البريطاني بلندن مجلد برام OR - 232 6.2361

³⁴ Ўша китоб. – Б. 234 а.

³⁵ Масалан С. Урмавий ва М.Шерозийнинг музиқий рисоаларида.

4. Ибн Зайланинг китобида ўзлашган сўзлардан ясалган атамалар ичида ўзаги юноний бўлганлари камайиб, форсийлари кўнайган, лекин улар араб тили грамматикаси қонун-қоидаларига бўйсундирилган. Масалан, най [نای (نایات)], хуросония [الخراسانية], дoston [دستانتان] ёки [دستانتان (دستانتان)], равшан [روشن (راوشين)], дастбанд [دستبند] ва бошқалар.

5. Ибн Зайланинг музиқага оид атамалари содда (бир сўздан иборат) ва мураккаб (бирдан ортиқ сўздан иборат) шакллардир. Содда музиқа атамалари этимологик жиҳатдан арабча (غناء - ашула), форсча (نای - най) ва юнончадир (ارغن - орган). Икки сўздан иборат мураккаб атамаларда иккала сўз арабча (اداء الاالحان) – музиқа ижроси), иккала сўз форсча (دست بند) – “дасти банд” рақси), биринчиси арабча, иккинчиси форсча (سُرناي - сурнай), биринчиси форсча, иккинчиси арабча (زير العود) – уднинг энг ингичка (пастки) “зир” тори) бўлиши мумкин.

6. Ҳар қандай соҳадаги атамалар тузилмаси каби Ибн Зайла қўллаган музиқа атамалари мавзуй (тематик) таснифга бўйсунди: музиқа назарияси-га хос атамалар; музиқа амалиётига оид атамалар ва музиқа эстетикасига до-ир атамалар. Бу уч синфнинг ҳар бири музиқа илмининг писбатан мустақил уч йўналишига хос атамалар бўлса-да, музиқа йўналишлари каби уларга хос атамалар синфлари ҳам ўзаро мустаҳкам боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

7. Ибн Зайла қўллаган музиқа атамалари кейинги асрлар Шарқ му-зиқасига оид рисоаларга кўчиб ўтди, бир тил доирасидан чиқиб кетади ва Шарқ музиқасига оид барча манбаларда қўлланаверди. Бу атамаларнинг бир қанчиси ҳозирги замон ўзбек музиқашунослигида яшаб келмоқда. Масалан, дап [داف], дoston [دستانتان], зарб [ضرب], марсия [مرثية], мизроб [مضراب], накра [نقارة], мақом [مقام], савт [صوت], танбур [طنبور], уд [عود], рубоб [رباب], най [نای], рақс [رقص] ва бошқалар.

8. Дунёдаги биронта тилга таржима қилинмаган Ибн Зайланинг “Китаб ‘ал-кафий фий ‘ал-музиқа” сини ўзбек тилига таржима қилиб, қўлланилган атамаларни шарҳлаш, “арабча-русча-ўзбекча” музиқа атамалари луғати ту-зиб, иловага киритмоқлик тадқиқотимиз далилий асосини оширади ҳамда ўрта асрларда Шарқ тилларида яратилган музиқа илмига оид ўзга рисоалар-да қўлланилган атамаларни тадқиқ этишда йўлланма бўлади.

9. Ибн Зайланинг музиқанинг нафсга таъсири назариясида ҳар шахснинг ўзига хос томонларини ва шахсга боғлиқ бўлмаган томонларни аниқлашга ҳаракат бўлдики, кейинчалик у сўфийларнинг музиқанинг моддий таъсири (товуш сифатида) ва маънавий таъсирини идрок этиш ҳақидаги таълимотига асос бўлди. Бу борада Ибн Зайла қўллаган атамалар акмал [اکمل], афзал [افضل], ‘алх.ан малазза [الحان ملذة] – лаззатбахш музиқа, ‘алх.ан мухаййила [الحان مخيلة] – хаёлий музиқа, ‘алх.ан инфи’алия [الحان انفعالية] – ҳаяжонлантирувчи музиқа каби атама ва тушунчалар ҳозир ҳам истеъмолда.

10. Музиқа етикликка, комилликка эришишдаги бир воситадир. Ибн Зай-ла бу етикликни ва комилликни музиқанинг ўзида топади: “Етик музиқа хур-сандчилик қилинадиган нарсанинг ўрнини эмас, балки табиий озуқа ўрнини эгаллайди” ва бу гап маънавий камолотни тараннум этувчи мақомлар шарҳи билан ҳамоҳангдир.

11. Ибн Зайланинг "Китаб 'ал-кафий фий 'ал-муסיқа"сидаги муסיқа атамаларини ўрганиш ҳозирги замон миллий ўзбек муסיқасининг устувор асоси – мақомлар ва мақомлар масаласига доир атамалар муаммоларини тўғри ҳал қилиш учун ҳам қимматли манбадир.

12. Ҳозирги кунда ўзбек муסיқашунослигидаги кўпгина атамалар Оврупо тилларидан олинган. Ибн Зайланинг "Китаб 'ал-кафий фий 'ал-муסיқа"-сининг тадқиқ этилиши кўрсатадики, XIX асргача ишлатилган кўҳна атамаларни амалда яна синаб кўриш мумкин. Гап бир овозлик муסיқа, жумладан, ўзбек ан-анавий мумтоз муסיқаси ҳақида кетганда қадимдан ишлатилиб келинган кўҳна атамаларимиз қулайроқдир.

13. X–XI асрларга оид Шарқ муסיқашунослиги бўйича ёзма ёдгорликлар, хусусан, Ўрта Осиёдан чиққан олимларнинг араб тилида битилган муסיқий рисоалари, уларда қўлланилган муסיқа атамалари етарли ўрганилмаган ва бу ишни бажариш долзарб вазифага айланди.

14. Шарқ муסיқашунослик атамаларини тўплаш, тадқиқ этиш, таҳлил қилишда тилшунослик, манбаунослик, муסיқашунослик ва тарих фанларининг ютуқлари асос бўлиб хизмат қилади.

Эълон қилинган ишлар рўйхати

1. Арипов З.Т. Полная книга о музыке Ибн Зайлы. // Вопросы теории музыки и исполнительства на современном этапе: Сборник научных трудов. - Т.: ТашГУ. 1983. С. 62-72.
2. Арипов З.Т. Учение о музыке Ибн Зайлы. // Тезисы докладов V – искусствоведческой научно-теоретической конференции молодых учёных. 19-22 апреля 1983 г. - Т., 1983. С. 62-63.
3. Орипов З. Ибн Зайла. //Ж. Совет Ўзбекистони санъати. -1984. - №12. - Б. 26.
4. Арипов З.Т. О «Большой книге музыки» Фараби (К изучению первоисточника). // Некоторые вопросы совершенствования учебно-воспитательной работы в музыкальных заведениях (методические рекомендации): Сборник. - Т., 1986. С. 50-54.
5. Орипов З. Устоз ва олим. // Ражабийхонлик. Илмий-амалий анжуман материаллари. - Т., 1994. Б. 16-20.
6. Орипов З. Форобий – буюк муסיқашунос. // "Шарқ тароналари" халқаро фестивалъ йўлдоши (UNESCO). –Август, 1997. - № 2. – Б. 5.
7. Oripov Z. Farabiy – Great Musicologist. // International Festival Guide «Sharq Taronalari» (UNESCO) –September, 1997. - № 3. – P. 3.
8. Орипов З. Билол Хабаший. //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-ж. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001. Б. 24.
9. Орипов З.Т. Абу Наср ал-Форобий ва унинг муסיқий рисоалари. // Мустақиллик ва маънавий ҳаёт. Мустақилликнинг ўн йиллигига бағишланади (тўплам). - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, – 2001. Б. 188 – 200.
10. Орипов З. Навоий даври муסיқа рисоалари ҳақида. // Муסיқа ижодиёти масалалари: Мақодалар тўплами-II. - Т.: "Янги аср авлоди", 2002.Б. 47-53.
11. Орипов З. Ибн Зайла. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-ж. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002. Б. 51.
12. Орипов З. Ибн Синонинг муסיқа илмига оид асарлари. // Ж. Шарқ машъали. - 2003. - № 1-2. -Б.44-47.
13. Орипов З.Т. Ноёб муסיқий манба // Ж. Ўзбекистонда ихтимойи фанлар. -2004. - № 4. -Б.140-148.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Арипов Закир Тахировичнинг 10.02.22 – Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия туб халқлари тиллари ихтисослиги бўйича "Ибн Зайланинг "Китаб 'ал-кафий фий 'ал-муסיқа" рисоласидаги муסיқашунослик атамалари" мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: атама, ибора, тушунча, таълиф, наъма, буъд, жинс, жам, ийқо, муסיқа ижрочилиги, муסיқа асбоби, муסיқанинг таъсири.

Тадқиқот объектлари: Ибн Зайланинг "Китаб 'ал-кафий фий 'ал-муסיқа" асарининг қўлэмалари ва нашри.

Ишнинг мақсади: Ибн Зайланинг "Китаб 'ал-кафий фий 'ал-муסיқа" рисоласини тилшунослик, манбаунослик ва муסיқашунослик фанлари туташувида ўрганиш, илмда тутган ўрнини аниқлаш.

Тадқиқот усули: Маънавий ва илмий меросни тадқиқ этишдаги атамашунослик, манбаунослик ва муסיқашуносликда шаклланган илмий-тадқиқот усулларига суянилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ибн Зайланинг "Китаб 'ал-кафий фий 'ал-муסיқа" рисоласи илк бор тўлалигича ўзбек тилига таржима қилинди. Маънолари ишари маълум бўлмаган муסיқашунослик атамаларининг маънолари, рисолада келтирилган муסיқа асбоблари, санъат турларининг ҳозирги кундаги ўрни ва аталишлари аниқланди. Ўзбек муסיқашунослик атамалари тизимини кўриб чиқиш ва тўлдириш учун янги илмий маълумотлар олинди.

Амалий аҳамияти: Ибн Зайланинг "Китаб 'ал-кафий фий 'ал-муסיқа" ("Муסיқага оид тўлиқ китоб") рисоласининг илмий муомалага киритилиши, ундаги муסיқашунослик атамаларини таҳлил этилиши ўрта асрлар Шарқ муסיқашунослигини идрок этишни осонлаштиради, муסיқа атамаларининг шаклланиш ва такомиллашув йўлларини ўрганишда муҳим манба бўлади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертациянинг натижалари бўйича 12 илмий мақола эълон қилинди, 9 телекўрсатув ва бир илмий-оммабоп фильм яратилиб ЎзТВда намойиш этилди.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Диссертациянинг хулоса ва натижалари олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг "Тилшунослик", "Араб тилшунослиги тарихи", "Араб тили", "Мақом асослари" каби фанлар таълимида манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Арипова Закира Тахировича на тему «Музыковедческие термины в трактате «Китаб 'ал-кафий фий 'ал-мусиқа» Ибн Зайлы» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.22 – Языки народов Азии, Африки и аборигенов Америки и Австралии

Ключевые слова: термин, выражение, понятие, композиция, тон, интервал, тетракорд, гамма, ритм, музыкальное исполнительство, музыкальный инструмент, влияние музыки.

Объекты исследования: Рукописи трактата Ибн Зайлы «Китаб 'ал-кафий фий 'ал-мусиқа» и его издание.

Цель работы: Изучение трактата «Китаб 'ал-кафий фий 'ал-мусиқа» Ибн Зайлы на стыке языкознания, источниковедения и музыковедения и определение его роли в науке.

Метод исследования: Основан на научно-исследовательских методах терминологии, источниковедения и музыковедения в изучении духовного и научного наследия.

Полученные результаты и их новизна: Трактат «Китаб 'ал-кафий фий 'ал-мусиқа» Ибн Зайлы впервые полностью переведён на узбекский язык. Определён смысл музыкальных терминов, которые не были известны ранее, уточнены место и название музыкальных инструментов и видов искусств в настоящее время, приведённых в трактате. Получены новые научные данные для пересмотра и дополнения системы узбекской музыкальной терминологии.

Практическая значимость: Введение в научный обиход трактата «Китаб 'ал-кафий фий 'ал-мусиқа» (Полная книга о музыке) Ибн Зайлы, исследование его музыкальных терминов облегчит осмысление средневекового музыковедения Востока и станет важным источником в изучении путей формирования и развития музыкальных терминов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: По результатам диссертации опубликовано 12 научных статей, подготовлено и показано по УзТВ девять телепередач и один научно-популярный фильм.

Область применения: Материалы диссертации могут быть использованы как источники в высших и средне-специальных учебных заведениях в изучении таких предметов как «Языкознание», «История арабского языкознания», «Арабский язык», «Основы макомов».

RESUME

Thesis of ARIPOV ZAKIR TAKHIROVICH on the scientific degree competition of the candidate of sciences in philology, speciality 10.02.22 – Languages of Peoples of Asia and Africa and Aborigines of America and Australia, subject: "Musical Terms in Treatise "Kitab al-kafi fiy al-musiqa" by Ibn Zaila".

Key words: term, expression, notion, composition, tone, interval, tetra chord, scale, rhythm, musical performance, musical instruments, influence of music.

Subjects of the inquiry: Manuscripts of the treatise "Kitab al-kafi fiy al-musiqa" by Ibn Zaila" and its edition.

Aim of the inquiry: Studying of the treatise "Kitab al-kafi fiy al-musiqa" by Ibn Zaila on a joint of linguistics, source research and musicology and determine its role in science.

Method of inquiry: Based on scientific researching methods of terminology, source research and musicology in studying of a scientific and cultural heritage.

The results achieved and their novelty: The treatise "Kitab al-kafi fiy al-musiqa" by Ibn Zaila was fully translated into the Uzbek language for the first time. Meanings of some musical terms which had not been known before were determined, the place and names of some musical instruments and aspects of arts which had been given in the treatise were defined more exactly. New scientific data was got to look through and supplement the system of uzbek musical terms.

Practical value: The use of the treatise "Kitab al-kafi fiy al-musiqa" (Full Book of Music) by Ibn Zaila in science, research of musical terms will make easier to understand the musicology of Middle Ages of the East and will become an important source in studying of ways of formation and developing of musical terms.

Degree of embed and economic effectivity: On results of the dissertation were published 12 articles, shown 9 TV- broadcasts by Uz-TV and was shown one popular-science film.

Sphere of usage: Materials of the dissertation can be used in higher and secondary special educational establishments in studying such subjects as "Linguistics", "History of Arab Linguistics", "Arab Linguistics", "Principles of Makoms".

Тадқиқотчи

Арипов Закир Тахирович

Босишга рухсат этилди 14.10.2005.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Шартли 1,5 б.т. 120 нусхала босилди. Буюртма № 117.
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25.